

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Тиб.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ ФЕРУЗ ЮСУФОВИЧ

**КОРОНАВИРУСЛИ ПНЕВМОНИЯ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА
МАРКАЗИЙ ГЕМОДИНАМИКА ВА ТАШҚИ НАФАС
ФУНКЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БОЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Назаров Феруз Юсуфович

Коронавирусли пневмония ўтказган беморларда марказий гемодинамика ва ташки нафас функцияларини баҳолаш ва коррекциялаш..... 3

Назаров Феруз Юсуфович

Оценка и коррекция центральной гемодинамики и функций внешнего дыхания у больных, перенесших коронавирусную пневмонию..... 37

Nazarov Feruz Yusupovich

Assessment and correction of central hemodynamics and external respiratory functions in patients who have survived coronavirus pneumonia 72

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 79

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Тиб.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ ФЕРУЗ ЮСУФОВИЧ

**КОРОНАВИРУСЛИ ПНЕВМОНИЯ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА
МАРКАЗИЙ ГЕМОДИНАМИКА ВА ТАШҚИ НАФАС
ФУНКЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib1655 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.urgfiltma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ярмухамедова Саодат Хабибовна

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Нилуфар Шариповна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Бекмурзаева Элмира Куанышовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84), e-mail: ttaurgfil@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84), e-mail: ttaurgfil@umail.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ю.Рузибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

З.Ф.Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Б.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. SARS-CoV-2 инфекцияси бутун дунё бўйлаб тарқалиб, COVID-19 эпидемиясини келтириб чиқарган эди. Бу сўнгги бир неча асрлардаги энг кенг тарқалган пандемиялардан бири бўлиб, 130 миллиондан ортиқ одам зарарланди ва соғлиқни сақлаш тизимларига ортиқча юклама келтириб чиқарди [Муркамилов И.Т. ва ҳаммуаллифлар...2020й]. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2024 йил статистикаси бўйича, Ўзбекистонда COVID-19 билан касалланганлар сони 253 662 кишини ташкил қилиб, шундан 241 486 беморда соғайиш кузатилди ва 1 637 беморда ўлим қайд қилинган (<https://data.who.int/dashboards/covid19/cases>). COVID-19 ўткир респиратор симптомлардан ташқари, кенг қўламли: чарчоқ, нафас қисиши, кўкрак қафасида оғриқ, юрак тез уриши, когнитив бузилишлар, мушаклар кучсизлиги ва руҳий бузилишлар каби симптомларни ўз ичига оладиган, Ковиддан кейинги синдром (ККС) номи билан маълум бўлган узоқ муддатли таъсир кўрсатиши мумкин. ККС сабаблари тўлиқ аниқ эмас, лекин эҳтимол ўпканинг шикастланиши, иммунитет тизимининг дисфункцияси ва пандемиянинг психологик таъсири билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда ККС учун стандарт даволаш мавжуд эмас, аммо симптомларни дори воситалари, жисмоний машқлар ва психотерапия комбинацияси орқали бартараф этиш мумкин.

Юртимизда коронавирус инфекцияси бўйича кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан Абдуллаева З.А.нинг “COVID-19 ўтказган беморларда аритмияларнинг учраш частотаси”, Амонов Э.И.нинг «COVID–19 нинг турли оғирлик даражаларида риносинусит кечишининг клинко-иммунологик хусусиятлари» номли диссертацияси, Тураева Ф.А. нинг “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғининг яллиғланиш касалликларининг клиник ва иммунологик хусусиятлари”, Эралиев У.Э.нинг «COVID-19 билан касалланган болаларда тиббий ёрдамни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш» каби мавзуларда илмий тадқиқотлар ўтказилган.

COVID-19 бўйича кенг қамровли тадқиқотларга қарамай, касалликнинг ўткир шаклини ўтказган, айниқса юрак-қон томир асоратлари бўлган беморларни ҳар томонлама баҳолаш чекланганлигича қолмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, баъзи беморларда ўпка ва юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришлар сақланиб қолади. Хусусан, касалликнинг енгил ва ўртача шакллари бўлган беморларнинг 20-30 фоизида ва оғир шакллари бўлган беморларнинг 60 фоизида ўпканинг диффузия қобиляти (DLCO) бузилган, бу нафас олиш тизими учун мумкин бўлган узоқ муддатли оқибатлардан далолат беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мРНК COVID-19 вакциналари билан эмлангандан кейин юрак-қон томир тизими билан боғлиқ баъзи муаммолар, шу жумладан тромбозлар ва юрак яллиғланиши

кабилар кузатилди. Юрак зарарланишининг оғирлик даражаси консерватив даводан интенсив терапия бўлимига ётқизилишгача бўлган даволаш усуллари белгилайди.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон¹ Фармонида белгиланган вазифаларга маълум даражада мос келади. 2017-2021-йилларда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 12-июндаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ ги ПҚ-3052-сон қарорларида соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини такомиллаштириш” ҳамда 2017-йил 20-июндаги ПҚ – 3071-сон “2017-2021-йилларда² Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган. COVID-19 дан кейинги келиб чиққан марказий гемодинамика ва ташқий нафас функциясини баҳолаш ва даволаш бўйича чора тадбирларини амалга оширишда тегишли диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация ишининг давлат дастурлари ёки илмий тадқиқот ишлари билан боғланиши. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 012000260-сонли “Юқумли ва ижтимоий аҳамиятли юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш” (2019-2024йй) амалий лойиҳаси бўйича илмий тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммони ўрганилганлиги даражаси. COVID-19 нинг юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларига узоқ муддатли оқибатларини ҳисобга олган ҳолда коронавирусли пневмониядан (КП) кейин беморларда марказий гемодинамика ва ташқий нафас олишни баҳолаш ва коррекция қилиш долзарб ва зарур вазифадир. Сўнгги йилларда олиб борилган кўплаб тадқиқотларга қарамай, кўп жиҳатлар ҳали ҳам етарли даражада ўрганилмаган.

КП дан кейин беморларни даволашга оптимал ёндашувлар билан боғлиқ масалалар кўшимча ўрганишни талаб қилади. Мисол учун, марказий гемодинамика ва ўпка функциясидаги ўзгаришларнинг асосий механизмлари, шунингдек, уларни тузатиш ҳали ҳам фаол илмий мунозаралар мавзусидир.

КП дан кейин беморларда иммунологик ва гуморал ўзгаришларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ҳам давом этмоқда. Терапияни ва асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш учун жавобни башорат қилувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган биомаркерларни топишга алоҳида этибор қаратилади, бу эса даволанишни шахсийлаштиришни сезиларли даражада яхшилайдди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига тўғрисидаги Фармони

² Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ ги ПҚ-3052-сон қарорларида соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини такомиллаштириш” ҳамда 2017-йил 20-июндаги ПҚ – 3071-сон “2017-2021-йилларда

Бундан ташқари, КПдан кейин беморларда марказий гемодинамиканинг ўзгариши, ўпка функцияси ва турли патологик жараёнлар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиш керак. Ушбу тадқиқотлар терапияни оптималлаштириш ва ноҳўя таъсирларни камайтиришнинг мумкин бўлган усуллари, шунингдек, юрак ва ўпка фаолиятини тиклашда мултимодал терапиянинг ролини ёритиши мумкин.

Шундай қилиб, КПдан сўнг беморларни даволаш ва реабилитация қилишда эришилган ютуқларга қарамай, кўплаб муҳим жиҳатлар етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу соҳадаги кейинги тадқиқотлар, қўлланиладиган терапияларнинг таъсир механизмлари ҳақидаги тушунчамизни яхшилаш, энг самарали даволаш режимларини аниқлаш ва КПдан кейин беморларни даволаш ва тиклашни янада мақсадли ва самарали қилишга имкон берадиган персоналлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш учун зарурдир.

Тадқиқот мақсади: коронавирусли пневмония билан оғриган беморларда клиник кўринишнинг хусусиятларини, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг ҳолатини ва гуморал тартибга солишнинг айрим қисмларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

КПдан кейин беморларда Интерлейкин-6 ва 8 (IL-6 ва IL-8) цитокинларининг ишлаб чиқарилишини ўрганиш ва уларнинг ковид пневмонияси билан касалланган беморларда прогностик аҳамиятини асослаш.

КПдан кейин беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафасни яхшилашга қаратилган комплекс терапиянинг беморларнинг гормонал жавоб хусусиятларига ва иммун тизимига таъсирини ўрганиш.

Коронавирусли пневмония билан оғриган беморларда касалликнинг оғирлигига қараб юрак-қон томир тизимининг ҳолатини (марказий гемодинамика) ва нафас олиш тизимининг таркибий ва функционал ҳолатини ўрганиш ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш.

Коронавирусли пневмония билан касалланган беморларда комплекс терапия самарадорлигини баҳолашнинг клиник, биокимёвий ва инструментал тадқиқот натижаларини бирлаштириш йўли билан КПдан кейин беморларни даволашга индивидуал ёндашувни таъминлайдиган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқотда Самарқанд давлат тиббиёт Университети клиникасида 2019-2023 йиллар давомида йўтқизилган 22 ёшдан 55 ёшгача бўлган 144 нафар бемор иштирок этди. Шу жумладан, асосий гуруҳи 102 нафар (59 аёл ва 43 эркак) беморлардан, таққослаш гуруҳи 42 нафар (23 аёл ва 19 эркак) вирусли пневмония бўлмаган беморлардан ва назорат гуруҳи 92 амалий соғлом одамлардан иборат. Тадқиқотимиз ушбу беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафас функциясини баҳолашга қаратилган.

Тадқиқот предмети: клиник ва лаборатория тадқиқотлари, умумий ва

биокимёвий қон таҳлиллари, тестостерон, кортизол, эстрадиол ва пролактин гормонлари даражасини ўрганиш, қон зардобадаги яллиғланишга қарши ИЛ-6 ва ИЛ-8 цитокинлари, инструментал усуллар: спирометрия, эхокардиография, ЭКГ, ултратовуш ва доплерография қўлланилган.

Тадқиқот усуллари: Белгиланган муаммоларни ҳал қилиш учун клиник, инструментал, лаборатория ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: ишда қўлланиладиган назарий ёндашув ва усулларнинг мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий тўғрилиги ва беморларнинг сони етарлилиги, рақамли маълумотларни статистик қайта ишланганлиги, шунингдек, олинган натижаларни халқаро ва маҳаллий тажриба билан солиштирилганлиги; олинган маълумотларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор КПдан кейин беморларда реабилитация натижаларини башорат қилиш учун интерлейкин-6 (ИЛ-6) ва интерлейкин-8 (ИЛ-8) каби асосий яллиғланиш белгилари даражасидаги ўзгаришларнинг клиник аҳамияти ва улар юрак-қон томир, нафас олиш функцияларини тиклаш даражасининг ишончли прогнози бўлиб хизмат қилиши аниқланган.

илк бор КПдан кейин беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафасни яхшилашга қаратилган комплекс терапиянинг ижобий таъсири: яллиғланиш жараёнларини камайтириши, беморларнинг умумий ҳолатини сезиларли даражада яхшиланиши, клиник ва функционал кўрсаткичларнинг ижобий силжиши бўйича янги илмий билимлар қўлга киритилган.

илк бор комбинирланган терапия самарадорлигининг белгилари сифатида марказий гемодинамика ва ташқи нафас олиш функцияси кўрсаткичларининг ўрни, уларнинг динамикаси ва беморларнинг дастлабки клиник хусусиятлари ўртасидаги корреляцион боғланиш аниқланган.

илк бор комплекс терапия самарадорлигини баҳолашнинг клиник, биокимёвий ва инструментал тадқиқот усуллари бирлаштириш йўли билан КПдан кейин беморларни даволашга индивидуал ёндашувни таъминлайдиган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

КП дан кейин беморларда лейкоцитлар, нейтрофиллар ва яллиғланиш биомаркерлари (СРО, ИЛ-6, ИЛ-8) миқдорининг сезиларли даражада ошиши, буйрак ва жигар фаолиятининг бузилиши ва тромбоз хавфини ошириши аниқланган. Комплекс терапия фонида эса яллиғланишга қарши ИЛ-6 ва ИЛ-8 цитокинларининг босқичма-босқич нормаллашуви кузатилган, яъни ИЛ-6 ва ИЛ-8 цитокинларидан ковид пневмония билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлигини баҳолаш ва даволаш натижаларини башорат қилиш учун биомаркер сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

КП дан кейин беморларда чап қоринча отиш фракциясининг сезиларли даражада пасайиши, чап қоринча охириги диастолик ҳажмининг ортиши ва

ўнг қоринча диастолик дисфункцияси аниқланиб, бу ҳолат чап ва ўнг қоринчалар гипертрофия ва дисфункциянинг ривожланишига олиб келиши аниқланган. Комплекс терапия фонида кортизол, пролактин, эстрадиол ва тестостерон гормонларининг аста-секин меъёрлашуви натижасида, ушбу беморларда гормонал ва иммун тизими функциясини тикланиши исботланган.

КПни ўтказган беморларда асосий терапия фонида кверцетин ва доксофиллин билан комплекс терапия ўтказилганда клиник белгилар камайиши, марказий гемодинамик кўрсаткичларнинг яхшиланиши ва ўпкада обструктив ўзгаришларнинг пасайиши кузатилган. Шунингдек асосий терапия фонида II-6 ва СРО, тропонин-I, Д-димер даражаси, шунингдек гемодинамик ва нафас олиш параметрлари ўртасида ижобий корреляцион боғланиш кузатилган.

Коронавирусли пневмония билан касалланган беморларда комплекс терапия самарадорлигини баҳолашнинг клиник, биокимёвий ва инструментал тадқиқот натижаларини бирлаштириш йўли билан ШТКПдан кейин беморларни даволашга индивидуал ёндашувни таъминлайдиган бир қанча белгилар комплекси танланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ушбу тадқиқотнинг илмий аҳамияти коронавирусли пневмония (КП) билан касалланган беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафас олиш функциясини ҳар томонлама баҳолаши; яллиғланиш жараёнларининг ривожланишида, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларини тиклашда асосий рол ўйнайдиган II-6 ва II-8 каби цитокинлар даражасида ўзгаришлар аниқланиши; олинган маълумотлар ковиддан кейинги синдром патогенези ва унинг организмга таъсир қилиш механизмларини тушунишни сезиларли даражада кенгайтириши, COVID-19 ташхиси ва даволашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган маълумотлар КП ўтказган беморларни оптималлаштириш учун клиник амалиётда қўлланилиши мумкинлиги; беморларда клиник ва функционал кўрсаткичларни яхшилайдиган дори-дармонларни ўз ичига олган комплекс терапия самарадорлигининг тасдиқланганлиги; таклиф этилган тавсияларни амалга ошириш яллиғланиш жараёнларини камайитириши ҳамда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг ҳолатини яхшилашга ёрдам бериши, натижада беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги.

Биринчи илмий янгиллик: коронавирусли пневмониядан кейин беморларда реабилитация натижаларини башорат қилиш учун интерлейкин-6 ва интерлейкин-8 каби маркерларнинг клиник аҳамияти ва улар юрак-қон томир, нафас олиш функцияларини тиклаш даражасининг ишончли прогнози бўлиб хизмат қилиши аниқланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3073-7-107-ТБ/2024-сон буйруқ ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3788-7-103-

ТВ/2024-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13-ноябрдаги 8-сонли йиғилиш баённомаси). Ижтимоий самарадорлиги: Коронавирусли пневмония ўтказган беморларда интерлейкин-6 ва интерлейкин-8 каби маркерларнинг босқичма-босқич нормаллашуви касаллик оқибатини тўғри башорат қилиш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: шифохонада қолиш тўлов миқдори 420 000 сўмга камайтирилди; шифохонада бўлиш даврининг 2 кунга қисқартирилиши ҳисобига 280 000 сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 140000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: клиник амалиётда тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиниши коронавирусли пневмония ўтказган беморларда беморларда ташхислаш чораларини ва касалликнинг асоратларини олдини олиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: коронавирусли пневмония ўтказган беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафасни яхшилашга комплекс терапиянинг ижобий таъсири, яллиғланиш жараёнларини камайтириши, беморларнинг умумий ҳолатини сезиларли даражада яхшилаши клиник ва функционал кўрсаткичларнинг ижобий силжиши аниқланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3073-7-107-ТВ/2024-сон буйруқ ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3788-7-103-ТВ/2024-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13-ноябрдаги 8-сонли йиғилиш баённомаси). Ижтимоий самарадорлиги: Марказий гемодинамика ва ташқи нафас олиш кўрсаткичларини тузатиш нафақат юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг объектив кўрсаткичларини яхшилашга, балки коронавирусли пневмониядан кейин беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашга имкон бериши аниқланди. Иқтисодий самарадорлик: ушбу ҳолатни вақтида аниқлаш беморларни ўз вақтида даволаш имконини берган ва бир нафар бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 890 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 765 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: олинган маълумотларга асосланиб, яллиғланиш белгилари даражасининг ўзгариши билан юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг клиник кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик ўрнатилди, бу эса ушбу маркерлардан фойдаланишга даволаш самарадорлигини кузатиш даволаш давомийлигини башорат қилиш имконини берган.

Учинчи илмий янгилик: Биринчи марта комплекс терапияни самарадорлигининг белгилари сифатида марказий гемодинамика ва ташқи нафас олиш функцияси кўрсаткичларининг муҳим роли ҳамда уларнинг динамикаси ва беморларнинг дастлабки клиник хусусиятлари ўртасида ижобий корреляция аниқланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3073-7-107-ТВ/2024-сон буйруқ ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3788-7-103-ТВ/2024-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги

Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13-ноябрдаги 8-сонли йиғилиш баённомаси). Ижтимоий самарадорлиги: асосий терапия фониди Кверцетин ва Доксофиллин билан комплекс терапия ўтказилганда клиник белгилар камайиши, марказий гемодинамик кўрсаткичларнинг яхшиланиши ва ўпкада обструктив ўзгаришларнинг пасайиши коронавирусли пневмонияни ўтказган беморларда тикланишнинг давомийлиги ва натижаларини аниқ башорат қилиш имкони пайдо бўлган. Иқтисодий самарадорлиги: Комплекс терапияни қўллаш касалхонада бўлишнинг ўртача давомийлигини ҳар бир беморга 2 кунга қисқартириш имконини берди, бу эса давлат бюджетидан 450 минг сўм маблағни тежаш имконини беради (Самарқанд шаҳридаги кўп тармоқли клиниканинг терапевтик бўлимида бир кунлик ётоқ нархи 225 000 минг сўмни ташкил этади). Хулоса: комплекс терапияни самарадорлигининг белгилари сифатида марказий гемодинамика ва ташқи нафас олиш функцияси кўрсаткичларининг муҳим роли ҳамда уларнинг динамикаси ва беморларнинг дастлабки клиник хусусиятлари ўртасида ижобий корреляцияни аниқлаш касалликни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш, асоратларни олдини олишга имкон берган.

Тўртинчи илмий янгилик: Комплекс терапия самарадорлигини баҳолашнинг клиник, биокимёвий ва инструментал тадқиқот усулларида олинган натижалари ўртасидаги корреляцион боғланиш аниқланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3073-7-107-ТВ/2024-сон буйруқ ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси 2024-йил 28-августдаги 3788-7-103-ТВ/2024-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13-ноябрдаги 8-сонли йиғилиш баённомаси). Ижтимоий самарадорлиги: Шифохонадан ташқари коронавирусли пневмониядан сўнг беморларда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг клиник ва функционал кўрсаткичлари ўртасидаги ассоциатив боғлиқликликни аниқлаш, ушбу беморларда касалликни ташхислаш чораларини ва касалликнинг асоратларини олдини олиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: шифохонада қолиш тўлов миқдори 486 000 сўмга камайтирилди; шифохонада бўлиш даврининг 2 кунга қисқартирилиши ҳисобига 420 000 сўмлик дори-дармон кам талаб етилади (1 кунга ўртача 140 000 сўм сарфланади). Хулоса: Шифохонадан ташқари коронавирусли пневмониядан сўнг беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафас олиш функциясини тузатишга қаратилган комплекс терапиядан фойдаланиш юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг клиник ва функционал кўрсаткичларининг сезиларли яхшиланишига олиб келиши аниқланган. Дори-дармонлар билан даволаш ва жисмоний реабилитацияни ўз ичига олган комплекс терапия интерлейкин-6 (IL-6) ва интерлейкин-8 (IL-8) каби яллиғланиш белгиларининг пасайишига ёрдам бериши аниқланди, бу тизимли яллиғланишнинг пасайиши ва беморларнинг умумий аҳволи яхшиланганлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси Тадқиқот натижалари 2 та

республика ва 1 та хорижий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола шундан 1 та скопус, 4та Ўзб ВАК журнали, 2та чел эл ВАК журнали 3та чет эл журнали. 2 та услубий тавсиянома, 3 та электрон ҳисоблаш дастурлари ва 3 та тезислардан иборат шундан 2та махаллий ва 1та чет эл журнаliga нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда Диссертация мавзусининг долзарблиги ва моҳиятини асосланган, мақсад ва вазифаларини, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалий тиббиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва Диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «Адабиёт шарҳи» Глобал COVID-19 пандемияси нуктаи назаридан коронавирусли пневмония (КП) билан касалланган беморларда марказий гемодинамика ва ташқи нафас олиш кўрсаткичларини ўрганишнинг долзарблиги муҳокама қилинмоқда. SARS-CoV-2 инфекциясининг юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларига сезиларли таъсири, шунингдек, бундай беморларни комплекс терапия усуллари ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган. Бобда COVID-19 нинг патогенетик механизмлари, шу жумладан тизимли яллиғланиш реакцияларида иштирок этадиган ва Ковиддан кейинги асоратларнинг белгилари бўлиши мумкин бўлган IL-6 ва IL-8 каби яллиғланиш цитокинларининг роли кўриб чиқилади.

Беморларнинг COVID-19 дан кейинги ҳолатини баҳолаш учун трансторакал эхокардиография ва спирометрия каби замонавий диагностика усулларидан фойдаланиш зарурлигига алоҳида этибор қаратилмоқда. Нафас олиш ва юрак-қон томир тизимларининг функцияларини тиклашда медикаментоз терапия ва жисмоний машқлар комбинатциясининг роли ҳам муҳокама қилинади. Ушбу бўлим COVID-19 оқибатларини ва тадқиқотнинг кейинги бўлимларида тасвирланган интегратив терапия йўналишларини чуқурроқ тушуниш учун асос яратади.

Иккинчи бобда «Материал ва тадқиқот усуллари» коронавирус

пневмония (КП) билан касалланган беморларни баҳолашда қўлланиладиган клиник, лаборатория ва инструментал усулларнинг батафсил тавсифи келтирилган. Тадқиқотда Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникасида 2019-2023 йиллар давомида йўтқизилган 22 ёшдан 55 ёшгача бўлган 144 нафар бемор иштирок этди. Шу жумладан, асосий гуруҳи 102 нафар (59 аёл ва 43 эркак) беморлардан, таққослаш гуруҳи 42 нафар (23 аёл ва 19 эркак) вирусли пневмония бўлмаган беморлардан ва назорат гуруҳи 92 амалий соғлом одамлардан иборат. Тадқиқотимиз ушбу беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафас функциясини баҳолашга қаратилган.

Клиник ва лаборатория усуллари умумий ва биокимёвий қон таҳлили, яллиғланиш белгиларининг даражасини баҳолашни (интерлейкин-6 ва интерлейкин-8), шунингдек, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг функционал кўрсаткичларини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Структуравий ва функционал ўзгаришларни баҳолаш учун электрокардиография (ЭКГ), трансторакал эхокардиография (ТТЕ) ва спирометрия каби инструментал усулларга муҳим эътибор берилади.

Бундан ташқари, бобда марказий гемодинамикани ва нафас олиш функциясини яхшилашга қаратилган квартцетин ва доксофиллин комбинатсияси билан медикаментоз терапия схемалари тасвирланган. Статистик маълумотларни қайта ишлаш ўзгарувчан статистика усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилди, бу эса олинган натижаларнинг юқори ишончлилигини таъминлади.

Учинчи бобда «Коронавирусли пневмониядан кейинги беморларда марказий гемодинамикани ва ташқи нафас олишни баҳолаш» Диссертация КП дан кейин беморларнинг дастлабки клиник кўрсаткичларини тақдим этади.

Анамнестик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, КП билан касалланган 88 (86,3%) беморларда бундан олдин патологиялар бўлмаган. Асосий гуруҳдаги беморлар орасида энг кўп учрайдиган патология сурункали бронхит бўлиб, бу беморларнинг 5,9% анамнезида қайд этилган ва беморларда сўнгги 2 йил ичида қайталаниш белгилари қайд этилмаган. Бундан ташқари, учта бемор (2,9%) КП учун касалхонага ётқизишдан олдин сурункали пиелонефрит билан касалланган, шунингдек, охириги 2 йил ичида касалликнинг махсус белгилари бўлмаган.

Жадвал 1

Тадқиқот гуруҳларида йўлдош касалликларнинг тарқалиши

Вариантлар	Асосий Гуруҳ n=102 (M±m)/n (%)	Таққослаш гуруҳи n=42 (M±m)/n(%)	Назорат гуруҳи n=92 (M±m)/n(%)	P-value
Патологияларсиз	88 (86.3%)	13(30.9%)	79 (85.9%)	p1=0.001 p2=0.84

Сурункали бронхит	6 (5.9%)	17(18.5%)	7 (7.6%)	p1=0.04 p2=0.19
Сурункали пиелонефрит	3 (2.9%)	12(28.6%)	1 (1.1%)	p1=0.01 p2=0.71
Ошқозон яра касаллиги	3 (2.9%)	5(11.9%)	0 (0.0%)	NA
Сурункали гастрит	1 (0.98%)	6(14.3%)	0 (0.0%)	NA
Қандли диабет, п(%)	0 (0.0%)	15(35.7%)	0 (0.0%)	NA
<i>Эслатма: Гуруҳлар орасидаги балларни солиштириш учун Манн-Уитни Уилкоксона ёки Фишер критерияси ишлатилган. Muhimlik darajasi p<0,05.</i>				

Бундан ташқари, асосий гуруҳдаги учта (2,9%) беморда аввал ошқозон яраси аниқланган. КП ривожланишидан олдин сурункали гастрит ва 2 типдаги Қандли диабет Мос равишда асосий гуруҳнинг 1 беморида (0,98%) мавжуд бўлган (1-жадвал).

Таққослаш гуруҳида, йўлдош касалликлар кенгроқ ёритилган. КП билан оғриган беморлардан фарқли ўлароқ, таққослаш гуруҳидаги беморларда кўпроқ йўлдош касалликлар мавжуд. Хусусан, 17 нафар (18,5%) бемор сурункали бронхит, 15 нафари (35,7%) қандли диабет, 12 нафари (28,6%) сурункали пиелонефрит билан касалланган. Ушбу гуруҳдаги фақат 13 (30,9%) нафар беморда бошқа патологиялар аниқланмаган.

Яллиғланиш белгиси - СРО натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, КП ўтказган беморларда бу кўрсаткич соғлом одамларникидан сезиларли даражада юқори ($3,5 \pm 12,3$ мг/л га нисбатан $140,3 \pm 98,7$ мг/л). Шунингдек, асосий гуруҳдаги беморларда юрак миокардининг шикастланиш белгиси - Тропонин-I ($0,36 \pm 0,47$ нг/л), фибрин молекуласи фрагментининг ўртача қийматининг ошиши - Д-димер ($3,1 \pm 1,1$ мг/л) ва фибриноген ($588,3 \pm 161,7$ мг/л) кузатилган.

Жадвал 2

Даволашдан олдин ШТКП ўтказган беморларнинг лаборатор кўрсаткичлари

Вариантлар	Асосий гуруҳ п=102 (M±m)	Таққослаш гуруҳи п=42 (M±m)	Назорат гуруҳи п=92 (M±m)	P-value
Гемоглабин (г/л)	113.7±26.2	104.7±31.2	121.7±26.2	p1<0.01 p2>0.05
Лейкоцитлар (Эд/л)	14.3±6.4	19.1±6.6	5.1±2.7	p1<0.05 p2<0.001
Нейтрофиллар (10^3 /мкл)	10.3±5.1	5.3±2.4	4.1±2.9	p1<0.001 p2<0.001
Лимфоцитлар (10^3 /мкл)	1.01±0.4	2.6±0.9	2.3±0.8	p1<0.001 p2<0.01
Тромбоцитлар (10^3 /мкл)	204.4±75.9	292.5±94.3	357.1±82.3	p1<0.001

				p2<0.001
Натрий (ммол/л)	135.1±4.3	130.4±5.1	138.2±4.8	p1>0.05 p2>0.05
Калий (ммол/л)	3.9±1.4	4.3±1.5	4.6±1.4	p1>0.05 p2>0.05
Глюкоза (ммол/л)	7.6±1.8	6.9±1.4	4.7±1.2	p1<0.01 p2<0.01
Креатинин (ммол/л)	131±26.4	105.8±25.4	83.5±18.6	p1<0.01 p2<0.01
Мочевина (ммол/л)	8.6±3.7	6.2±2.8	5.1±1.9	p1<0.01 p2<0.01
ЛДГ Ед/л	667.1±162.5	216.6±82.4	193.1±78.4	p1<0.01 p2<0.01
Умумий билирубин (мкмол/л)	22.9±14.8	13.5±7.2	13.2±8.2	p1<0.01 p2<0.01
АСТ (Ед/л)	47.1±21.5	32.7±18.6	33.3±16.2	p1<0.001 p2<0.001
АЛТ (Ед/л)	41.2±25.9	33.2±11.4	31.6±12.4	p1<0.001 p2<0.001
Албумин (г/л)	36.2±4.6	44.6±6.8	47.3±7.2	p1<0.001 p2<0.001
СРО (мг/л)	140.3±98.7	23.5±12.3	3.5±12.3	p1<0.001 p2<0.001
Тропонин-I (нг/л)	0.36±0.47	0.10±0.1	0.11±0.15	p1<0.001 p2<0.001
Д-димер, (мг/л)	3.1±1.1	0.2±0.02	0.1±0.02	p1<0.001 p2<0.001
Фибриноген (мг/дл)	588.3±161.7	256.7±69.4	216.7±74.2	p1<0.001 p2<0.001
<i>Эслатма: Гуруҳлар орасидаги балларни солиштириш учун Манн-Уитни Уилкоксона ёки Фишер критерияси ишлатилган. Muhimlik darajasi p<0,05.</i>				

КП дан сўнг беморларда юрак-қон томир тизимининг параметрларини баҳолаш.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги барча беморлар эхокардиографик текширувдан ўтказилди. Эхокардиографик тадқиқотлар натижалари 3-жадвалда келтирилган. Асосий гуруҳдаги беморларда дам олиш вақтидаги эхокардиографиясининг кўрсаткичлари ўртача юрак дисфункциясини кўрсатади. Асосий гуруҳдаги беморларда чап қоринча отиш фракциясининг ўртача қиймати назорат гуруҳига нисбатан бир оз пасайган (55,2±9,1%). Чап қоринча дисфункцияси (LVEF<50%) асосий гуруҳдаги 16 (15,7%) беморда қайд этилган. ШТКП ўтказган беморларда чап қоринча охириги диастолик ҳажми (LVEDV) таққослаш ва назорат гуруҳларидаги беморларга қараганда сезиларли даражада кўп эди (Мос равишда 83,1±17,5 ва 78,9±21,2 билан

солиштирганда 132,1±37,2). Таққослаш гуруҳидаги 6 (14,3%) ва назорат гуруҳидаги 6 (17,4%) билан солиштирганда, асосий гуруҳидаги 87 (85,3%) беморда ЧҚ гипертрофияси бор эди.

Жадвал 3

Қабул пайтида КП ўтказилган беморларнинг эхокардиографик хусусиятлари

Вариантлар	Асосий гуруҳ n=102 (M±m)/n(%)	Таққослаш гуруҳи n=42 (M±m)/n(%)	Назорат гуруҳи n=92 (M±m)/n(%)	P-value
Чап қоринча функцияси				
LVEF (%)	55.2± 9.1	65.8±7.2	67.4±6.4	p1<0.01 p2<0.01
LVEF <50%, p (%)	16 (15.7%)	1(2.4%)	0 (0.0%)	p1<0.01 p2=HA
LVEDV, мл	132.1±37.2	83.1±17.5	78.9±21.2	p1<0.001 p2<0.001
LVESV, мл	57.4±13.6	36.7±9.4	32.0±8.2	p1<0.001 p2<0.001
LAVI, мл/м ²	44.8±7.6	24.8± 7.1	22.6± 6.3	p1<0.001 p2<0.001
LAVI >34 мл/м ² , p (%)	24 (23.5%)	2(4.8%)	0 (0.0%)	p1<0.001 p2=HA
ЧҚ Гипертрофияси, p (%)	29 (28.4%)	6(14.3%)	16 (17.4%)	p1<0.01 p2<0.05
Ўнг қоринча функцияси				
TAPSE, мм	19.1±4.6	23.6±2.3	23.3±3.8	p1<0.001 p2<0.001
ЎҚ Дисфункцияси, p (%)	48 (47.1%)	2(4.8%)	1 (1.1%)	p1<0.001 p2<0.001
ЎҚ Дилатацияси, p (%)	46 (45.1%)	5(11.9%)	3 (3.2%)	p1<0.001 p2<0.001
Диастолик кўрсаткичлар				
Муносабат E/A	0.7±0.41	0.95±0.35	0.98±0.44	p1<0.01 p2<0.01
Септал e', см/с	6.6±1.8	8.8±1.7	9.1±1.9	p1<0.01 p2<0.01
Латерал e', см/с	9.4±3.6	10.6±3.1	10.8±3.0	p1>0.05 p2>0.05
Септал-латерал муносабати E/e	9.3±4.7	7.2±1.8	7.3±1.5	p1>0.05 p2>0.05
Аорта стенози > 1, p (%)	3 (2.9%)	0 (0.0%)	0 (0.0%)	NA
LVEF - чап қоринча отиш фракцияси. ЧҚ- чап қоринча. LVEDV охириги диастолик				

ҳажм. LAVI - чап бўлмачанинг ҳажм индекси, TAPSE – уч табақали қоппоқ ҳалқасининг систолик экзкурсияси. ЎҚ-ўнг қоринча. *Muhimlik darajasi p<0,05.*

Трикуспидал қоппоқ ҳалқаси систолик ҳаракатининг (TAPSE) амплитудасини таҳлил қилиш КПни ўтказган беморларда сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди (23,6±2,3 ва 23,3±3,8 мм билан солиштирганда 19,1±4,6 мм), бу ўқнинг функционал ҳолатининг кўрсаткичидир. Шунингдек, асосий гуруҳдаги беморларда ўнг қоринча дисфункциясининг юқори частотаси аниқланди (4,8% ва 1,1% га нисбатан 47,1%, $p < 0,001$). Хусусан, назорат гуруҳидаги 3 нафар бемор (3,3%) билан солиштирганда асосий гуруҳдаги 46 (45,1%) беморда ўнг қоринча дилатасияси аниқланган ($p < 0,001$).

4-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳдаги беморларда аорта стенози (2,9%), аорта регургитасия (9,8%), митрал регургитасия (25,5%), трикуспидал регургитасия (65,7%) ва перикард бўшлиғида суюқлик (29,4%) юқори даражада бўлмаган. Таққослаш гуруҳида ушбу ўзгаришларнинг тарқалиши сезиларли даражада паст бўлиб, назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан статистик жиҳатдан фарқ қилмади.

Жадвал 4

КП ни ўтказилган беморларда патологик эхокардиографик ўзгаришлар

Вариантлар	Асосий гуруҳ п=102 (M±m)/ н (%)	Таққослаш гуруҳи п=42 (M±m)/ п (%)	Назорат гуруҳи п=92 (M±m) / п (%)	P-value
Аорта стенози>1, н (%)	3 (2.9%)	0 (0.0%)	0 (0.0%)	NA
Аортал регургитасия>1, н (%)	10 (9.8%)	1 (2.4%)	0 (0.0%)	NA
Митрал регургитасия>1, н (%)	26 (25.5%)	3 (7.1%)	1 (1.1%)	p1<0.001 p2<0.001
Трикуспидал регургитасия>1, н (%)	67 (65.7%)	7 (16.7%)	3 (3.3%)	p1<0.001 p2<0.001
Перикард бўшлиғида суюқлик, н (%)	30 (29.4%)	0 (0.0%)	0 (0.0%)	NA
<i>Эслатма: Гуруҳлар орасидаги балларни солиштириш учун Манн-Уитни Уилкоксона ёки Фишер критерияси ишлатилган. Muhimlik darajasi p<0,05.</i>				

Клиник ва инструментал тадқиқотлар натижаларига кўра, асосий гуруҳдаги 32 (31,3%) беморларда миокардит, 28 (27,5%) беморларда перикардит ташхиси қўйилган.

Кейинги босқичда, ЭКГ ва эхокардиографик тадқиқотларидан олинган маълумотларга асосланиб, биз интерстициал коллагеннинг (ОФИК) ҳажм улушини ҳисоблаб чиқдик. Ушбу усул Ж. Ширани ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан таклиф қилинган ва бу ҳисоб QRS комплексининг ўртача

узунлиги, беморнинг бўйи ва чап қоринча миокардининг массасидан фойдаланади (5-жадвал).

Жадвал 5

Тадқиқот гуруҳларида интерстициал коллагеннинг ҳажм улушини ҳисоблаш натижалари

	Асосий гуруҳ п=102 п (%)	Таққослаш гуруҳи п=42 п (%)	Назорат гуруҳи п=92 п (%)	P-value
ОФИК	6.2±1.3	3.8±0.7	2.1±0.3	p1<0.01 p2<0.01

Эслатма: ОФИК даражаси 3,0 дан юқори бўлса, интерстициал коллагеннинг ҳажм улуши ортиб бораётганини кўрсатади. Гуруҳлар орасидаги балларни солиштириш учун Манн-Уитни Уилкоксона ёки Фишер критерияси ишлатилган. Muhimlik darajasi p<0,05.

Асосий гуруҳда энг юқори ўртача ОФИК қайд этилди - 6,2±1,3%, бу КПдан кейин беморларда интерстициал коллагеннинг кўпроқ миқдорини кўрсатади. Таққослаш гуруҳида ўртача ОФИК 3,8±0,7% ни ташкил қилади ва назорат гуруҳида, эҳтимол соғлом одамларда, ўртача ОФИК энг паст - 2,1±0,3%. Статистик таҳлил шуни кўрсатадики, асосий гуруҳ ва таққослаш ва назорат гуруҳлари ўртасидаги ОФИКдаги фарқлар статистик аҳамиятга эга. Бу миокард фиброзининг ривожланишида коронавирус пневмониясининг потенциал муҳим ролини кўрсатиши мумкин.

ЧҚ дисфункцияси, асосан, диастолик, асосий гуруҳдаги беморларда ҳам кузатилган, аммо частотаси сезиларли даражада паст бўлган. Хусусан, ЧҚ дисфункцияси бўлган беморларда миокардит, юрак ишемик касаллиги, аритмия ва перикардит каби асоратлар тез-тез учрайди.

ЧҚ дилатасияси ва дисфункцияси ва КФК-МВ, Тропонин-І каби юрак шикастланишининг биомаркерлари ўртасида сезиларли корреляция ўрнатилди. КП ўтказилган беморларда интерстициал коллагеннинг ўртача ҳажми сезиларли даражада юқори бўлган, бу миокарддаги фиброз ўзгаришларни кўрсатиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар тўғри ташхис қўйиш, касаллик прогнозини баҳолаш ва клиник қарорлар қабул қилиш учун маркер бўлиб хизмат қилиши мумкин.

КП дан сўнг беморларда нафас олиш тизимининг параметрларини қиёсий баҳолаш

КП ўтказилган беморларда нафас олиш тизимининг параметрларини қиёсий баҳолаш, таққослаш ва назорат гуруҳлари б-жадвалда келтирилган. Натижаларга кўра, соғлом одамларнинг параметрларига нисбатан КП ва вирусли бўлмаган этиологияли пневмония билан оғриган беморларнинг нафас олиш тизимининг параметрларида статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар аниқланди. Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги беморларда ўпканинг жадаллашган тириклик сифими (ЎЖТС) 87,12±13,1% ва 89,8±12,2% ни ташкил этди, бу соғлом одамларнинг қийматидан сезиларли даражада фарқ қилди - 98,7±4,9% (p<0,001).

**КП ўтказган беморларда ва соғлом одамларда спирометриянинг қиёсий
натижалари**

	Асосий гуруҳ п=102 п (%)	Таққослаш гуруҳи п=42 п (%)	Назорат гуруҳи п=92 п (%)	P-value
ЎЖТС %	74.1±13.1	86.4±14.7	98.7±4.9	p1>0.05 p2<0.001
ЎЖТС <80%, н (%)	12 (11.8%)	7(16.7%)	0 (0%)	p1>0.05 p2=NA
1 ЖЧНХ %	70.3±11.7	81.9±9.6	97.2±5.1	p1>0.05 p2<0.05
1 ЖЧНХ <80%, н (%)	15(14.7)	6(14.3%)	2 (2.2%)	p1>0.05 p2<0.05
1 ЖЧНХ / ЎЖТС %	76.2± 6.44	79.2± 6.44	84.2±4.1	p1>0.05 p2<0.01
1 ЖЧНХ / ЎЖТС <70%, н (%)	19(18.6%)	7(16.7%)	0(0%)	p1>0.05 p2=NA
МТХ ₂₅ %	93.4±7.1	91.8±8.4	100.4±4.3	p1>0.05 p2<0.01
МТХ ₂₅ <65%, н (%)	12(11.8%)	7(16.7%)	0(0%)	p1>0.05 p2=NA
МТХ ₅₀ %	93.13±15.3	91.0±8.6	105.6±8.1	p1>0.05 p2<0.05
МТХ ₅₀ <65%, н (%)	13(12.7%)	5(11.9%)	0(0%)	p1>0.05 p2=NA
МТХ ₇₅ %	89.8 ±12.2	88.6 ±9.5	102.8±7.3	p1>0.05 p2<0.01
МТХ ₇₅ <65%, н (%)	7 (6.9%)	1(2.4%)	2 (2.2%)	p1>0.05 p2>0.05
<i>Эслатма: Гуруҳлар орасидаги балларни солиштириш учун Манн-Уитни Уилкоксона ёки Фишер критерияси ишлатилган. Muhimlik darajasi p<0,05.</i>				

Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги 12 (11,8%) беморда ва таққослаш гуруҳидаги 7 (16,7%) беморда ЎЖТС 80% дан паст эканлиги аниқланди, бу назорат гуруҳидаги соғлом одамларда кузатилмади. 1 секундда чиқарилган нафас ҳажмини (1 ЖЧНХ) таҳлил қилганда, КП ўтказилган беморларда ва таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги нисбатан соғлом одамларга караганда анча паст бўлганлиги аниқланди: 83,2±13,7%, 81,9±97,2±5,1% га нисбатан 9,6% (p<0,05). Шунингдек, асосий ва қиёсий гуруҳларнинг 15 (14,7%) ва 6 (14,3%) беморларида мос равишда 1 ЖЧНХ 80% дан паст бўлган, фақат 2 (2,2%) соғлом одамда 1 ЖЧНХ 80% дан паст бўлган (p<0,05). 1 ЖЧНХ/ЎЖТС% нисбати ҳам таққосланган гуруҳлар

ўртасида сезиларли даражада фарқ қилди - асосий ва қиёсий гуруҳларда 76,2±6,4 ва 79,2±6,44 ва назорат гуруҳида мос равишда 84,2±4,1 (p<0,01). Кейинги босқичда биз ЎЖТС нинг 25 дан 75% гача бўлган нафас чиқаришнинг максимал тезлик ҳажмини (МТХ) таҳлил қилдик. Натижаларга кўра, асосий гуруҳда ЎЖТС нинг 25% да МТХ 93,4±7,1%, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич ўртача 100,4±4,3% ни ташкил этди (p<0,001). Шунингдек, КП ўтказган 12 (11,8%) беморда МТХ₂₅ кўрсаткичи <65% дан паст бўлган. Назорат гуруҳида МТХ₂₅ аномалиялари кузатилмади. Худди шундай ўзгаришлар МТХ₅₀ ва МТХ₇₅ ни таҳлил қилишда ҳам кузатилди (6-жадвал).

Кейинчалик, КП ўтказилган беморларда ва соғлом одамлардан ўпка ҳажми кўрсаткичларини таҳлил қилдик (7-жадвал). 8-жадвалдан кўришиб турибдики, ўпканинг умумий сизими (ЎУС) КП ўтказилган беморларда ва таққослаш гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди (мос равишда, 73,16±12,1 ва 76,7±13,1% ва 93,2±7,6%, p<0.001). Асосий гуруҳдаги беморларнинг деярли ярми (48%) ўпканинг умумий сизими (ЎУС) 80% дан паст бўлган. Шу билан бирга, таққослаш гуруҳидаги 13 (30,9%) беморда ва назорат гуруҳидаги 2 (2,2%) одамда ўпканинг умумий ҳажмининг ғайритабиий даражада пастлиги кузатилди. Ўпканинг қолдиқ ҳажмини (ЎҚХ) ва унинг алвеоляр ҳажм нисбатини (ЎҚХ /РВ) таҳлил қилишда кўрсаткичлардаги бир хил ўзгаришлар кузатилди. Шунингдек, асосий ва қиёсий гуруҳларнинг 28 (27,5%) ва 9 (21,4%) беморларида паст қолдиқ ўпка ҳажми (РВР<65%) мавжуд эди.

Жадвал 7

КП ўтказган беморларда ва соғлом одамларда ўпка ҳажмининг қиёсий натижалари

	Асосий гуруҳ п=102 п (%)	Таққослаш гуруҳи п=42 п (%)	Назорат гуруҳи п=92 п (%)	P-value
ЎУС (ЎУС), %	73.16±12.1	76.7±13.1	93.2± 7.6	p1>0.05 p2<0.001
ЎУС <80%, н (%)	49 (48.0%)	13 (30.9%)	2 (2.2%)	p1>0.05 p2<0.001
ЎҚХ (РВ)%	75.2±11.7	70.1±14.2	25.7± 6.3	p1>0.05 p2<0.001
ЎҚХ (РВ)<65%, н (%)	28 (27.5%)	9 (21.4%)	0(0%)	p1>0.05 p2=НА
ЎҚХ / ЎУС %	89.42±11.3	91.8±12.1	98.7± 8.3	p1>0.05 p2<0.01
<i>ЎУС - ўпканинг умумий сизими, ЎҚХ -ўпканинг қолдиқ ҳажми. Гуруҳлар орасидаги балларни солиштириш учун Манн-Уитни Уилкоксона ёки Фишер критерияси ишлатилган. Muhimlik darajasi p<0,05.</i>				

КП ўтказилган беморларда гормонал ўзгаришларни қиёсий баҳолаш

Ушбу тадқиқотда биз беморларни қабул қилган пайтида ва терапиядан кейин КП ни ўтказган беморларнинг қонида кортизол, тестостерон, пролактин ва эстрадиол даражасини таҳлил қилдик. Қабул қилинганда гормонлар даражасини таҳлил қилиш натижалари 8-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳдаги эркакларда (n=43) кортизолнинг ўртача даражаси $616,8 \pm 102,5$ нмол/л ни ташкил этди, бу эса асосий гуруҳ аёллардаги (n=59) ўртача кортизол даражасидан ($652,4 \pm 128,2$ нмол/л) бир оз пастроқдир. Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги ўртача кортизол даражаси таққослаш гуруҳидаги беморларда ($431,7 \pm 97,8$ нмол/л) ва соғлом одамлардагидан 2-3 марта кўрсаткичдан ошди ($p < 0,001$).

Кортизолдан фарқли ўлароқ, эркакларнинг асосий гуруҳидаги ўртача тестостерон даражаси нормал даражадан паст эди. Қабул қилинганида КП ни ўтказган эркак беморларда ўртача тестостерон даражаси $6,16 \pm ,2$ нмол/л ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги қийматдан сезиларли даражада фарқ қилди ($p < 0,001$). Шу билан бирга, аёлларда бу кўрсаткич норма чегарасида ($1,1 \pm 0,21$ нмол/л), лекин назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилади ($2,4 \pm 0,40$, $p < 0,001$). Таққослаш гуруҳидаги беморларда тестостерон даражаси асосий гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилди, аммо назорат гуруҳидан статистик жиҳатдан муҳим фарқлар топилмади.

Жадвал 8

КП ўтказган беморлар ва соғлом одамларнинг гормонал параметрларини таҳлил қилишнинг қиёсий натижалари

		Норма	Асосий гуруҳ n=102 (M±m)	Таққослаш гуруҳи n=42 (M±m)/ n (%)	Назорат гуруҳи n=92 (M±m)	P-value
Кортизол (нмол/л)	А	200-700	652.4±128.2	431.7±97.8	278.5±46.3	p1<0.001 p2<0.001
	Э	200-700	616.8±102.5	318±77.1	198.8±37.0	p1<0.001 p2<0.001
Тестостерон (нмол/л)	А	<4.0	1.1±0.21	1.9±0.21	2.4±0.40	p1<0.001 p2<0.001
	Э	8.3-30.2	6.16±1.2	16.1±3.1	17.2±4.2	p1<0.001 p2<0.001
Пролактин, (мкг/л)	А	1,1-13,0	15.3±4.1	8.8±2.8	6.3±1.1	p1<0.001 p2<0.001
	Э	1,0-9,2	11.6±3.8	6.9±2.1	4.7±1.2	p1<0.001 p2<0.001
Эстрадиол (пг/мл)	А	72-246	76.4±9.8	88.7±9.5	106±11.3	p1<0.001 p2<0.001
	Э	0 -56	41.2±7.2	32.8±6.4	28.5±5.8	p1<0.001 p2<0.001

Эслатма: Гуруҳлар орасидаги балларни солиштириши учун Манн-Уитни Уилкоксона ёки Фишер критерияси ишлатилган.

Эстрадиол даражасини таҳлил қилганда, иккала тадқиқот гуруҳида эстрадиолнинг ўртача даражаси нормал чегараларда эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, асосий гуруҳда, жинсидан қатий назар, эстрадиолнинг ўртача даражаси таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада паст эди ($p < 0,001$). Масалан, асосий гуруҳдаги аёллар ва эркекларда эстрадиолнинг ўртача даражаси мос равишда $76,4 \pm 9,8$ ва $41,2 \pm 7,2$ пг/мл ни ташкил этди. Бундан ташқари, таққослаш гуруҳида эстрадиол даражаси $88,7 \pm 9,5$ ва $32,8 \pm 6,4$ пг/мл, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $106 \pm 11,3$ ва $28,5 \pm 5,8$ пг/мл ($p < 0,001$ ва $p < 0,01$) эди.

